



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

TRADE RELATIONS OF BUKHARA EMIRATE WITH INDIA IN THE XIX CENTURY

Nozimjon Ibrokhimov*Researcher**Bukhara State Pedagogical Institute**Bukhara, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Bukhara, India, Afghanistan, emirate, caravanserai, market, product, trade, promyshlennost, East India, tourist, trade, garden, import, export.

Received: 15.12.24**Accepted:** 17.12.24**Published:** 19.12.24

Abstract: The paper analyses, based on sources, the Bukhara Emirate's trade relations with India in the nineteenth century, the trade routes, the types of imported and exported products between the two countries, and their market prices. Caravanserais and bazaars have also been briefly discussed and issues such as the high demand for Indo-English cloth in the emirate and the fact that Bukhara merchants bought more Anglo-Indian goods to sell in Russian cities have also been explored.

XIX- АСРДА БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ҲИНДИСТОН БИЛАН ОЛИБ БОРГАН САВДО МУНОСАБАТЛАРИ

Нозимжон Иброҳимов*Тадқиқотчи**Бухоро давлат педагогика институти**Бухоро, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Бухоро, Ҳиндистон, Афғонистон, амирлик, карвонсарой, раста, бозор, маҳсулот, савдо-сотик, саноат, Ост-Индия, сайёҳ, савдогар, шаҳарлар, импорт, экспорт.

Аннотация: Ушбу мақолада XIX - асрда Бухоро амирлигининг Ҳиндистон билан олиб борган савдо алоқалари, савдо йўллари, икки давлат ўртасида амалга оширилган импорт ва экспорт маҳсулотларининг турлари ҳада уларнинг бозорлардаги баҳоси манбалар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, карвонсарой ва бозорлар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб, хинд-инглиз газламаларига амирлиқда талаб юқори бўлганлиги, шу билан бирга инглиз-хинд маҳсулотларини Россия шаҳарларида сотиш учун бухоролик савдогарлар кўпроқ харид қилишгани каби масалалар ўрганилган.

ТОРГОВЫЕ СВЯЗИ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА С ИНДИЕЙ В XIX ВЕКЕ

Нозимжон Иброхимов

Исследователь

Бухарский государственный педагогический институт

Бухара, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Бухара, Индия, Афганистан, эмират, караван-сарай, рынок, продукт, торговля, промышленность, Ост-Индия, турист, торговец, города, импорт, экспорт.

Аннотация: В статье на основании источников анализируются торговые отношения Бухарского эмирата с Индией в XIX веке, торговые пути, виды импортируемой и экспортируемой продукции между двумя странами, а также ее рыночные цены. Также были кратко обсуждены караван сараи и базары, а также изучены такие вопросы, как высокий спрос на английские ткани в эмирата и тот факт, что бухарские купцы закупали больше английских товаров для продажи в российских городах.

КИРИШ

XIX-XX асрларда Бухоро амирлигининг савдо муносабатларига эътибор қаратадиган бўлсак, Бухоро амирлиги Хива, Кўқон, Россия, Афғонистон, Эрон, Хитой, Ҳиндистон ҳамда Европа давлатлари билан савдо ишларини изчил олиб борган. Бу даврда Бухоро бозорларида бошқа хорижий давлатларидан келтирилган маҳсулотларга нисбатан инглиз-рус маҳсулотлари ўртасида рақобат анча кучли бўлган. Инглиз маҳсулотлари Бухоро бозорларига асосан Ҳиндистон орқали олиб кирилган. Э.Д.Эверсман 1820-йилда Бухоро амирлиги бозорларига инглизларнинг саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни форс ва ҳинд савдогарлари олиб кирганлигини таъкидлайди[1].

АСОСИЙ ҚИСМ

1820-йили Бухоро шаҳрида бўлган А.Негри 14 та: Абдуллажон, Қушбеги, Ҳинд, Нўғай, Хўжа Жуйбара, Тошкент, Қарши, Мирагул, Амир, Кулл ота, Фишана, Жанқулшира, Урганч каби карvonсаройлар бўлганлигини, уларда инглиз ва хориждан келтирилган савдо маҳсулотлари сотилишини ёзиб қолдирган[2]. Карvonсаройлар ва бозорларда маҳаллий савдо моллари билан бир қаторда хориждан келтирилган маҳсулотлар ҳам сотилган. Савдогарлар бу карvonсаройлардан ўз эҳтиёжига қараб бир ёки бир нечта хонани ижарага олишган. Шунингдек, усти ёпиқ бозорларда хорижлик савдогарлар ҳам ўз маҳсулотларини сақлаш учун кичик ёки катта хоналарини доимий ёки маълум бир муддатга ижарага олишган. Амирлик ҳудудида жойлашган бозорларда

қимматбаҳо ҳинд, форс, рус, инглиз маҳсулотлари кўплаб сотилганлиги манбаларда келтирилган[3].

Е.К.Мейндорф маълумотларига кўра Кашмирда йилига 30 минг донагача шали тўқийдиган дастгоҳлар бўлиб, бу дастгоҳларда ҳар йили 100 минг дона шали тўқилган. Бу тўқилган шали матосининг 20 минг донаси Қобул бозорига олиб келинган, шундан 3 минг донаси эса Бухоро амирлиги бозорларига келтирилган. Бухоролик савдогарлар 3 минг шалининг 2 минг донасини Россия шаҳарларига олиб бориб сотишган[4]. Бухоролик хунарманд усталар Ҳиндистондан олиб келинган синган қиличларнинг бўлакларидан ҳам пичоқлар ясашган. Бу пичоқларнинг сифати анча яхши бўлиб Бухоро бозорларида 1 тилладан 3 тиллагача сотилган[5].

Бухоро амирлигидаги мавқеи жиҳатдан Қарши шаҳри иккинчи ўринда турган. Бу ерда яшовчи хунармандлар ҳам дастаси олтин ва кумуш билан қопланган пўлатдан ишланган чиройли пичоқларни ясаш билан машҳур бўлган. А.Вамбери, Бухоро амирлигининг Қарши шаҳрида 10 та карвонсарой ва бир нечта бозор бўлганини, шунингдек, Қарши хунармандлари томонидан тайёрланган маҳсулотлар нафақат Ўрта Осиёда, балки, Эрон, Арабистон ва бошқа хориж давлатларига ҳам экспорт қилинишини, Қарши хунармандларининг тутқичлари олтин ва кумуш билан қопланган Дамашқ пўлатидан ясаган пичоқлари чидамлилиги билан ажralиб туришини ва уларнинг баҳоси бошқа пичоқларга нисбатан уч-тўрт баравар қиммат бўлганланлигини ёзади[6].

XIX аср бошларига келиб Россия империяси ва Англия ўртасида Ўрта Осиё масаласида рақобат кучайди. Икки давлат ўртасида Бухоро амирлиги ва қўшни хонликларда савдо ва сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш борасида турли ҳаракатлар олиб борилди. Масалан, 1830-1833-йилларда ва 1836-1838-йилларда капитан Александр Бёрнс Ост-Индия компанияси топшириғи билан икки марта ҳарбий-сиёсий мақсадни кўзлаб Ўрта Осиёда разведка ишларини олиб борган. Шу билан бигаликда Ҳиндистон билан Ўрта Осиё хонликларини боғловчи савдо йўлларини ҳам ўрганганди[7]. Россия хукумати ҳам ўз навбатида Хива хонлиги билан савдо алоқаларини мустаҳкамлаш учун барча чоратадбирларни кўра бошлади, шунингдек, Бухоро амирлиги ва Кўқон хонликлари билан савдо- иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга қаттиқ киришди. Бухоро амирлиги худуди орқали Ҳиндистонга чиқиши имкониятларини кенгайтиришни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйганди.

Маълумотларга кўра амирлик бозорларида хориждан келган савдогарларга эркин савдо қилиш ва уларнинг амирлик худудларида эркин яшаш ҳукуқи ҳам берилган. Шунингдек, бошқа диндагиларни камситмаслик, уларнинг ўзлари истаган пайтда ўз

ватанларига қайтиб кетиш кафолатлари ҳам берилган. Лекин улар мусулмон – суннийларга нисбатан икки баравар қўп бож солиғини тўлашган[8]. А.Бёрнс Бухоро амирлигидаги ҳинд савдогарлари мусулмон савдогарлар билан бир хил имтиёзга эга бўлганлигини, амирликда уларни мусулмон динини қабул қилишга хеч ким мажбур қилмаганлигини таъкидлаган[9].

XIX асрнинг 50-60 йилларида ҳинд савдогарлари Бухорога шойи газламалар, юпқа ип-газламалардан тўқилган саллалик ва астарлик материаллар, марварид ва қимматбаҳо тошлар, шунингдек, Бухоро бозорларида талаб катта бўлган нил бўёғини қўп микдорда олиб келингандар. Мултонда тайёрланадиган бу бўёқ тури бир йилда 2000 тужда Бухорога келтирилиб, хар бир пуди 44 рублдан сотилган[10]. Бухоро бозорларида ҳинд молларидан кашмир шалиси, мовут, зар ипдан тикилган кашта ва чойшабларга ҳам талаб катта бўлган[11].

Бухоро –Хиндистон ўртасида амалга оширилган савдо алоқаларида савдо йўлларинг ўрни муҳим саналган. Бу икки мамлакат ўртасида олиб борилган савдо йўллари асосан тоғли давонли йўллар орқали амалга оширилганлиги сабабли бир қанча нокулайликлар туғдирган. Пешовордан йўлга чиқсан карвон Хайбар довони орқали 3 кун йўл босиб Жалолободга у ердан Қобулга етиб келган. Қобулдан Бомиёнгача бўлган масофа 16 кунлик тоғли йўл бўлиб, бу йўл Саричашмагача келган. У ерда савдогарлар савдо божларини тўлаб йўлларини давом этишган. Бомиёндан Балхгача 2 кун, Балхдан Каркигача 7-9 кун йўл юриб амирлик шаҳарларига келишган. Хиндистондан келтирилган савдо моллари Бухоро ва Қарши бозорларига олиб келиниб бу бозорлардан Қўқон, Тошкент, Самарқанд ҳамда амирлик бошқа шаҳарларига тақсимлаган. Бухоро амирлигидан Хиндистонга кўпроқ ипак чиқарилган, ипакнинг асосий қисми Мўлтон шахрига олиб борилиб у ердан Хиндистоннинг бошқа худудларига тарқатилган. Бухоролик савдогарлар ҳар бир тужа юк учун 250-300 рупий бож тўлаб Қандаҳор ёки Фазна орқали Хиндистон бозорларига етиб боришган[12].

Хиндистонлик савдогарлар Бухоро бозорларига ҳинд савдо моллари билан бирга инглиз маҳсулотлари ҳам олиб келингандар. Инглиз-ҳинд моллари амирлик ҳудудига асосан икки йўналиш орқали олиб кирилган. Биринчи йўналиш Калкутта ёки Бомбайдан Пешовар орқали Қобулга, у ердан Бухорога, иккинчи йўналиш эса сув (денгиз) йўли орқали форс қўлтиғидаги Бондар – Бушехр портига бу портдан Исфаҳон, Машҳад, Марв, Чоржўй орқали эса Бухорога келингандар. Иккинчи йўналишдаги йўлдан савдогарлар кам фойдаланишган улардан асосан фавқулотда вазиятлар фойдаланишган бўлса иккинчи томондан йўл масофаси анча узоқ бўлиб савдогарлар учун анча нокулай бўлган.

Амирлик бозорларида нглиз-ҳинд молларининг бир дона кисся матоси 15-17 тангадан, биринчи навли коленкорнинг донаси 2 тилладан, иккинчи навлиси 1,5 тилладан, учунчи навлиси 1 тилла 7 тангадан. 20 дона алвукелнинснинг сарифи 34 тилладан, қизили эса 40 тилладан, лунка навли кўк чойнинг 4 пуди 55 тилла, қоро чойники 40 тилла, қирқма навли чойники 30 тилло, оқбош навли чойники 25 тилла, индогонинг бир пуди 4-4,5 тилла, шакарнинг бир ботмони 16 тилла, қалампирнинг ботмони 24 тилладан ҳарид қилиш мумкин бўлган[13]. 1860 йилларда Бухорога Қобул орқали Ҳиндистондан ҳар йили 170 минг фунт стерлинглик инглиз ип-газлама, жун ва шойи моллари келтирилган[14].

Л.Ф Костенко Амирлик бозорларида нглиз-ҳинд молларининг нархлари билан биргалиқда Россиядан келтирилган маҳсулотларнинг таннархини ҳам келтириб ўтган. Бир пуд оқ қанд 40 танга, чойнинг бир пуди 14 тилла, бир пуд шам 55 танга, бир ботмон мис 23 тилла, бир пуд латун 80-85 танга, 16 пуд темир 200 танга, чугундан ишланган идишлар катта кичиклигига қараб 12 тиллогача, бир пуд қалайи 55 танга, ситец донаси 29-45 танга, бир дона коленкоръ 35 танга, бир булак сукно 5-5,5 тилло, 10 дона қора юфт 230-250 танга, қизили 250-270 танга, Богомозов фабрикасида тўқилган тик матосининг бир бўлаги 57-60 танга, калябатун (для расшивки каляпушей) нинг бир қутиси 100-114 танга, бир ботмон квас 7 тилло, нашатирнинг бир ботмони 7 тилладан амирлик бозорларида сотилган[15].

Л.Ф Костенко амирлик бозорларида нглиз-ҳинд ва рус маҳсулотларидан ташқари хоржий давлатларнинг фабрика ва цехларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан биргалиқда маҳаллий маҳсулотларнинг амирлик бозорларида сотилиш баҳоси борасида ҳам бизга қимматли мълумотларни келтирган. Паҳтадан йигирилган ипнинг 5 фунти 4,5-5,5 танга, олий нави эса 7-9 танга, бир бўлак бўз 3-4 танга (18 аршин узунликда) бир бўлак олача 3-15 танга, бир бўлак каляма 3-7 танга, бир бўлак чит (вибойка) 17-20 тилло, маҳаллий матодан тикилган халат 8-30 танга, бир пуд хом ипак 16-20 рубль, ипак хом ашёси маҳаллий аҳоли учун фунти 150 рубль, ташқарига чиқарилганда фунти 195-225 рубль, бир бўлак Канаус 9-14 рубль, бир булак адрес 5-9 рубль, бир булак беноряс 8 рубль, бир кийимлик атлас 14 рубль, жун (шерстъ) бир пуд қуй жуни 2 рубль. 60 коп. Туяники 3 рубль, улоқники 2 рубль, бир пуд эчкининг қили 8 рубль, бир бўлак армячина 12-100 танга, кошма (войлок) 25 танга, бир дона гилам 15-150 танга, бир дона шали (кашмир) 80 танга, Қоракул териси 10 донаси 95-100 танга, яхши нави 110-140 танга, 10 та хом дарнадор 70-80 танга, бир дона тулки териси 3,5-5 танга, бир дона бўри териси 3,5 тангагача ҳарид қилиш мумкин бўлган[16].

Бухоро амирлигидан хориж давлатларига экспорт қилинадиган маҳсулотлар ичида ипак ва ҳом ипак алоҳидан ўрин тутган. Н.Ф.Петровскийнинг Туркистон генерал губернаторлигига берган ҳисоботида “1899 йилда Бухоро амирлигидан афғон савдогарлари Ҳиндистонга 3 минг отлик карвонда ипак маҳсулотларини олиб кетишганини, ҳар бир отга 8 пуддан юк ортилган бўлиб, бу юкларнинг умумий ҳажми 24 минг пудни, нархи эса 4.800.000 рубльни ташкил этганини, Бундан ташқари Бухородан Марв орқали Эронга ҳам ипак экспорт қилинишини, агарда Бухородан чиқарилаётган ипак ҳомашёсининг бир йиллигини ҳисоб китоб қиласидиган бўлсак, Бухородан қанча миқдорда ипак ҳомашёси чиқарилаётганини тасаввур қилишимиз анча қийин, фақат Россия ва Ҳиндистонга чиқарилаётган рақамларга (цифраларга) эътибор қаратсак йилига 30 минг пуд яъни 6 млн. рубльлик ипак маҳсулотлари чиқарилади” деб таъкидлайди[17].

Амирлик бозорларига ҳинд-инглиз маҳсулотлари Афғонистондан ҳам йирик миқдорда олиб келинган. Бухоро амирлиги Афғонистон билан савдо-сотиқни, асосан, ёзда амалга оширган, чунки қишида Ҳиндукуш тоғ довонлари бутунлай қор билан қопланган. Ҳар йили Афғонистондан Бухорога 3-3,5 минг тужда савдо маҳсулотлари олиб кирилган. Маълумотларга кўра йилига Кобулдан амирлик бозорларига 170 минг фунт стерлинг ёки 1 миллион рублдан ортиқ ҳинд-инглиз маҳсудотлари олиб келинган. Савдо молларининг асосини турли қофоз, ипак ва жун маҳсулотлари, кашмир рўмоллари, индиго, ёзги салла учун ишлатиладиган кўк ва оқ чизиқли қофоз рўмоллар (пота) ташкил этган. Амирликдан Афғонистонга ипак ҳомашёси, пахта матолари ва рус маҳсулотларидан газлама, металл буюмлар, сандиқлар ва бошқалар экспорт қилинган[18].

Ҳинд газламаларига амирликда талаб юқори бўлган, шу билан бирга инглиз-хинд маҳсулотларини Россия шаҳарларида сотиш учун бухоролик савдогарлар қўпроқ харид қилишган. Бухоро амирлигидан ўн йил ичида, Россия шаҳарларига 50 минг рубллик ҳинд маҳсулотлари экспорт қилинган. Улар орасида: калико, басма, олача, каштацилик маҳсулотлари, пардалар, кўрпа ва чойшаблар, муслин ва ярим муслин, тилла ипли ва ипак ипли ипак маҳсулотлари, шунингдек ҳинд ёнғоқлари мавжуд бўлган[19]. Бухоро амирлигига савдо қилувчи Ҳиндистон савдогарларининг асосий қисмини Мўлтон, Кобул ва Шикарпурликлар ташкил қилган. Улар Бухорога кўп миқдорда индиго (нил бўёғи ҳам деб аталган) бўёғини етказиб беришган. Унинг бир пудини Бухоро бозорларида 10 червонцсдан (кумуш ҳисобида 44 рубл) сотишган. Ҳар йили Бухоро амирлигига икки минг тужга юкланган индиго бўёғини олиб кирганлар. Ҳинд савдогарлари ҳам амирликка Россия ва Европада катта мода бўлган кашмир ва форс рўмолларининг катта қисмини олиб келишган. 1828-йил июл ойида Бухоролик машхур савдогар Марковойев Бухородан

Оренбургга Ҳиндистондан олиб келинган 600 та кашмир рўмолини юборган. Бухоро амирлигида уларнинг бир жуфти 100 дан 300 тиллагача ёки бир донаси 250 дан 300 рублгача баҳоланган. Россия шаҳарларида уларнинг бир донаси 400 дан 1000 рублгача сотилган. Бу Кашмир рўмоларини хар кимнинг ҳам сотиб олишга курби етмаган. Уларни асосан бадавлат одамлар ёки энг юқори қатлам амалдорлари томонидан сотиб олинган. Масалан, А.Гра берган маълумотларга кўра 1809-йил феврал ойида суд қарори билан (орзонроқ олиш учун) Оренбург генерал-губернатори Г. С. Волконский 400 рублдан, жами 6 минг рублга 15 та турли рангдаги Кашмир рўмолини сотиб олган[20].

ХУЛОСА

Бухоро амирлиги XIX аср давомида Ҳиндистон давлати билан қизғин савдо алоқаларини олиб борган. Бухоро амирлиги бозорларида инглиз савдо маҳсулотларининг ҳажми йилдан йилга ортиб борди. Бу жараён Россияни ҳавотирга солиб қўйди. Чунки Россия ҳам бу бозорларни ўз маҳсулотлари учун нишон сифатида қараётганди. Эндиликда ҳар бир давлат бу худудга имкон қадар тез ва кенг ҳажмда савдо молларини олиб киришга ҳаракатларни тезлаштириди. Бухоро амирлигида савдо қилувчи Ҳиндистон савдогарларининг асосий қисмини Мўлтон, Кобул ва Шикарпурликлар ташкил қилган. Икки давлат савдогарлари Бухоро бозорларига ҳинд савдо моллари билан бирга инглиз маҳсулотлари ҳам олиб келишди. Натижада амирлик бозорларида инглиз молларининг салмоғи ошиб бошқа хориж давлатлардан кетирилган савдо молларига нисбатан катта рақобатни келтириб чиқарди.

АДАБИЁТЛАР

1. Eversmann E.D.. Reise von Orenburg nach Buchara., Berlin, .1823 Jahre, -s.76.
2. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М., 1975.- С. 100.
3. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М., 1975.-С. 112.
4. Ochilidiyev, F. B. (2023). TRADE RELATIONS OF THE EMIRATE OF BUKHARA WITH INDIA IN THE 60-80 YEARS OF XX CENTURY. *Journal of Social Sciences and Humanities Research Fundamentals*, 3(06), 38-45.
5. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М., 1975.-С. 116.
6. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Спб., 1865. С. 114.
7. Тухтаметов Т Г. Русско-Бухарские отношения в конце xix—начале xx в. победа Бухарской народной революции издательство «ФАН» Узбекской ССР Ташкент.1966.- С.11.

8. Валиева Д.В. Среднеазиатско – иранские отношения в первой половине XIX в. // Сборник «Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока в XVIII – нач. XX вв.». – Т., 1968. С.40.
9. Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч II. М.1848. С. 407.
10. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII – первой половине XIX века ремесло, торговля и пошлины. Т. Фан. 1991. С. 73.
11. Расул-заде П. Из истории Среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX нач-XX вв.- Ташкент. 1968. – С.22.
12. Разоқов Д.Х. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари (XIX асрнинг 60-90 йиллари). Тарих фанлари номз. дисс. Тошкент, 1994. 125. Б.
13. Костенко Л.Ф. . Путешествие С Бухару Русских Мисси в 1870 году. С-Петербург 1871. С.102
14. Туркестанский сборник. Том. 6. – С. 51.
15. Костенко Л.Ф. . Путешествие С Бухару Русских Мисси в 1870 году. С-Петербург 1871. С.100-101
16. Костенко Л.Ф. . Путешествие С Бухару Русских Мисси в 1870 году. С-Петербург 1871. С.100-101
17. Петровский Н.Ф. Шелководство и Шелкомотание Средней Азии. Тифлисъ. Типография К.П.Козловского. 1904. С.7.
18. Туркестанский сборник. Т. XXX. С. 116.
19. Центральный государственный архив древних актов (ЦГАДА), ф. 276, оп. I, д. 540, л. 20-об.
20. Гра А. Материалы по истории. Оренбурга/Друды ОУАК. Вып. XI. Оренбург. 1903. С. 141—142.
21. Ochil迪ев, F. B. (2023). TRADE RELATIONS OF THE EMIRATE OF BUKHARA WITH INDIA IN THE 1960S AND 1980S. *Oriental Journal of Social Sciences*, 3(03), 78-89.
22. Очилдиев, Ф. (2022). Торговые отношения Бухарского эмирата с соседними ханствами во второй половине XIX века–начале XX века. *Общество и инновации*, 3(3), 18-23.
23. Очилдиев, Ф. (2022). Торговые отношения Бухарского эмирата с соседними ханствами во второй половине XIX века–начале XX века. *Общество и инновации*, 3(3), 18-23.